

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**“O‘ZBEKISTON ETNOLOGIYASI: AN‘ANALAR VA
INNOVATSIYALAR”
MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYASI MATERIALLARI**



Toshkent 2022 yil

Tahrir hay’ati:

1. t.f.f.d. (PhD). A.D. Bababekov
2. t.f.d (DSc).B.M. Ubaydullayeva
3. t.f.n, katta ilmiy xodim A.R. Qayumov
4. t.f.n, katta ilmiy xodim I.M. Xo’jaxonov
5. t.f.f.d. (PhD) N.N. Narziyev
6. t.f.f.d. (PhD). S.M. Anarkulov
7. Sh.M. Abdusatorov
8. T.G’. Babarahimov
9. R.H. Abduzohirov
10. K.R. Abduraxmonova

Taqrizchilar:

1. t.f.d. prof. A.A.Ashirov
2. t.f.d. S. T. Davlatova

Mualliflar keltirilgan statistik va boshqa ma’lumotlar uchun mas’uldirlar. Mazkur to’plam Mirzo Ulug’bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti tarix fakulteti Kengashining 05.2022 yildagi 3–sonli majlisi qarori va tarix fakulteti “Antropologiya va etnologiya” kafedrasining 26.05.2022 yildagi 19–sonli majlisi qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

Mirzo Ulug’bek nomidagi
O‘zbekiston Milliy
universiteti
2022 yil

2018-2021 йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг бир неча махсус резолюциялари қабул қилинди. “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” (2018 йил 22 июнь), “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил 12 декабрь), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш”(2019 йил 19 декабрь), “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисида” (2021 йил 18 май) каби БМТ резолюциялари халқаро ҳамкорлигимизнинг яққол мисолдир”¹.

Хуллас ҳозирги мустақиллик даврида асрларга бўйлашган Марказий Осиё тарихини янада тўлақонли ўрганишга қизиқиш тобора ошиб бормоқда.

ЭТНОЛОГИЯДА ГЕНАЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

**т.ф.н. А.Р.Қаюмов,
ЎзМУ таркибидаги “Амалий
этнология” лабораторияси бош илмий ходими**

Марказий Осиё ҳудудлари ва умуман туркий халқларда уруғларга бўлиниш тартиботи узоқ асрлар давомида оилавий ҳаётда, уруғ-жамоа турмушида этник феномен сифатида сақланиб қолган. Бу ҳолатни кўпгина туркий халқлар – ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, озарбайжон, анатолія турклари ва бошқирдлар таркибида ўз оила ва уруғ шажараларини ижтимоий-этник тузилмалар тарзида сақланиб қолганлигида кўриш мумкин. Ўзбеклар таркибида ҳам локал-ҳудудий бирликлар, уруғ-аймоқ (авлод, тўп, уруғ)лар каби турли ўзликлардан иборат ижтимоий-маданий тузилмалар сақланиб қолган. Бир тарихий макон ва замонда умумий маданий бирлик негизидаги турли ўзликларнинг намоён бўлиши омили бўлган оила шажаралари ва уруғларга бўлиниш тизимини ўрганиш илмий ва айна пайтда амалий аҳамият касб этади.

Уруғларга бўлинишнинг ўзига хос тизимига эга бўлган ва узоқ давр мобайнида Мовароуннаҳр ҳудудига жойлашган ўзбек халқи таркибидаги айрим этник гуруҳлар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бошқа минтақаларида ҳам пайдо бўлиб, у ердаги туркий халқлар таркибида ҳам мавжуд эди. Улардан айримлари ХХ аср бошларига қадар ўзларининг уруғ номларини, келиб чиқиши, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларига жойлашиши ҳақида аждодлари хотирасида, ривоятларда сақланиб қолган.

Бу этник компонентлар йирик ёки кичик этник тузилмалар тарзида ХХ аср бошларига қадар сақланиб қолган бўлиб, улар қарлук, барлос, турк, калтатой, мусабозори, қўнғирот, қатағон, манғит, юз кабилардир. Улардан баъзилари ўз номларини топонимикада қолдирган бўлса, баъзилари эса кўшни этник гуруҳлар билан аралашиб кетди ёки янги жойларга кўчиб

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – Б. 365.

кетган. Масалан, кўпгина аҳоли пунктларининг этник гуруҳлар номи билан аталишини кўришимиз мумкин. Масалан, Туркқишлоқ (Сурхондарё, Андижон), Қарлуқ ва ҳокозо. Ушбу этник бирликлар аллақачон ўз номларини унутган бўлсаларда, (айниқса Тошкент воҳаси, Фарғона водийсида) уларнинг номи жой номларида сақланиб қолганлиги бизга қачонлардир ушбу ҳудудларда мазкур этник жамоаларнинг яшаганлигидан далолат беради.

Тарихий ҳужжатларда келтирилган 92 ўзбек уруғлари нафақат Ўзбекистон ҳудудида балки, бутун Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган. Бу 92 ўзбек уруғларига мўғуллар истилосидан олдинги ҳамда шайбонийлар даврида қайд этилган уруғ жамоалари ҳам киради. Аммо уларга мўғуллар босқинигача Ўрта Осиёга келган чиғил, яғмо, усун, тухси, халачи ва бошқалар каби қадимги туркий этник гуруҳлар ҳамда қипчоқ ва ўзбек туркманлар каби этнографик гуруҳлар ҳам гарчи X-XII асрларда ва ундан кейинги даврларда келиб ўрнашганликларига қарамасдан 92 ўзбек элати таркибига ҳам кирганлар.

XX асрнинг бошларида улардан кўплари нафақат ҳозирги ўзбек халқи таркибига балки, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқлар таркибига ҳам кирган. Кўпгина уруғлар ва уларнинг бўлинмалари бир вақтнинг ўзида Ўрта Осиёнинг бир неча элатлари таркибига ҳам кирган. Масалан, нўғойлар ҳозирги татарларнинг асосий қисмини ташкил этса-да, сезиларли даражада бўлмаса ҳам қозоқ ва бошқирд халқларининг ташкил бўлишидаги иштирокни кўриш мумкин.

Сурхондарё ва Қашқадарё водийсида яшовчи кўнғиротлар ўзларини ўзбеклар деб атаса, Қарағанда (шарқий Қозоғистон)дагилар – қозоқ, Қорақалпоғистондаги Кўнғирот туманидагилар – қорақалпоқ деб атайдилар. Кўнғирот уруғига мансуб кекса кишиларининг берган маълумотларига қараганда, Қарағандадан уларнинг боболарини йўқлаб қариндошлари келиб туришганини эслашади. Қашқадарё, Самарқанд атрофи, Қўқон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистонда яшовчи найманлар ҳам қайси халқ таркибида бўлса шу халқ номи билан аталган.

Қанғли, манғит ва кенегаслар ҳам ўзбек, қозоқ, қирғиз ҳамда қорақалпоқлар таркибига кирган. Ўзбекистоннинг кўпгина туманлари ва Шимолий Афғонистонда яшовчи қатағонлар ўзларини ўзбек деб атасалар Иссиқкўлнинг (Қирғизистон) шимолий қисмидагилар эса ўзларини қирғиз деб ҳисоблаган. Демак, ўзбеклар таркибидаги аксарият этно страталар турли даражада ҳозирги ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари таркибига сингиб кетганлиги этнографик материаллардан маълум.

Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё ҳудудларида тарихан шаклланган бу каби этноижтимоий манзара турли шажарага оид генеалогик ривоятларни тарихий манбаларни, фольклор материалларни, оғзаки тарихни шаклланишига сабаб бўлган. Масалан, ўзбек оилаларида етти отасини, аждодини билиш анъанаси яхши сақланиб қолган. Буни “Етти бобони билган эр етти юртнинг ғамини ер”, “Етти отасини билмаган мўртдир”

каби халқ ибораларидан ҳам билиш мумкин. Ўзбек оилаларида ҳар бир киши ўзлигини, ўз элининг тарихини билиши, қолаверса етти авлоди ҳақида маълумотга эга бўлиши қадрият сифатида сақланиб қолган. Айнан мана шу омил оила қадриятларини, ўзи мансуб бўлган халқ, элат анъаналарини сақланиб қолишига, ва провардида турли туман ўзига хосликларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий “Ойна” журналида ўзликни англамаган инсонлар ҳақида: “Қабиласини (нг) исмини ва етти отасининг отини билмайдуғонларни “кул-марқук” дерлар”, - деб ёзган эди.

Оила ва уруғ шажараларини хон авлодларига ёки шунга ўхшаш ҳукмрон сулола авлодлари билан боғлаш, машҳур туркий халқлар этнонимлари билан боғлаш, локал жой номлари билан боғлаш, диний силсилалар билан боғлаш буларнинг барчаси сулолавий ёки уруғчилик асосида ўзликни англашга олиб келган. Айнан мана шу жараёни илмий жиҳатдан этнологияга ёндош йўналиш бўлган генеалогия ўрганеди.

Генеалогиянинг ўрганиш объекти - бу одамларнинг қариндошлиги ва табиати, қондошлик ва расмий алоқалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган тарихий манбалардир. Генеалогия туфайли одамнинг умумий ва кўп томонлама ўзини ўзи ижтимоий идентификациялаши содир бўлади. Генеалогия ўзига хос тарихий ва антропологик хусусиятга эга бўлган фанлардан биридир, чунки насаб инсонни, унинг жамиятдаги ўрнини, оила ришталарини, уруғ ва ижтимоий гуруҳлар тарихини ўрганеди. Генеалогия жисмоний ва структуравий антропология, тарихий психология, демография, этнография, генетика ва бошқа билим соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. Генеалогиянинг илмий фан сифатидаги вазифалари уни ўрганиш предмети билан белгиланади. Амалий нуқтаи назардан, насабноманинг асосий вазифаси турли тарихий манбалардан олинган генеалогик маълумотларни таҳлил қилиш асосида оила ёки шахснинг насабномасини тузишдир.

Генеалогиянинг назарий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Маълум бир авлоднинг тарихий жараёндаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, 2. Маълум бир тарихий даврда маълум бир ижтимоий қатламнинг маданий муҳитини аниқлаш, 3. Антропологик, этнографик, демографик ва бошқа илмий муаммоларни ҳал қилиш учун генеалогик маълумотларни таҳлил қилиш, 4. Маълум генетик алоқадорликни аниқлаш (бу вазифа янада ихтисослашган бўлиб, табиий фанлар вазифалари билан уйғунлашиб кетади).

Генеалогиянинг илмий йўналиш сифатидаги мақсадлари, шундан иборатки, унда насл-насабнинг тарих фани сифатида ривожланиши ҳақида тушунча бериш, турли мамлакатлар ва халқларнинг насл-насаб тизимлари ҳақида билим бериш, насл-насабнинг тарихдаги ўрни, роли ва аҳамиятини аниқлашдан иборат. Антропологик ва маданиятшунослик, тарихий манбалардан насл-насабга оид маълумотларни олиш ва насабномаларни тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Масалан, халқ орасида оғзаки ва қисман ёзма шаклда сақланиб келаётган тарихий уруғ шажаралар, оила насабномалари, у ёки бу уруғ жамоасининг келиб чиқиши борасидаги халқ ривоятлари, фольклор материаллари, “Насабномайи ўзбакия”, “Китимир” номлари билан сақланиб қолган шажараномаларни манба сифатида таҳлил қилиш мумкин.

Шунингдек, тарихий манбалар (Махмуд Қошғарий, Рашидиддин, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, А. Вамбери, А.П. Хорошхин, Н. Аристов) ҳамда “92 бовли ўзбек уруғлари” рўйхатининг турли вариантлари, оғзаки ва кўл ёзма шаклдаги расмий ва норасмий ёзма ҳужжатлар каби антропологик материаллар асосида насабномаларнинг тарихий илдизига аниқлик киритиш мумкин.

Аммо оила ёки уруғ шажараларини ўрганишда биринчи навбатда тадқиқотчи учун этнографик материаллар муҳим аҳамият касб этади. Албатта ўрганилиши мақсад қилинган оила генеалогиясини тузишда шу оила ёки уруғ вакиллари билан чуқурлаштирилган интервью олиш яъни, уларнинг келиб чиқиши, ўзини англаши, аجدодлари ҳақидаги оғзаки маълумотлар ёзиб олинади. Уларнинг шажара дарахти тузилади. Ахборотчилар қанчалик аجدодлари ҳақидаги шажаралар ва уларнинг келиб чиқиши борасидаги артефактлар, моддий ашёлар, ривоятларни келтира олса тарихий-маданий боғлиқликни аниқаш имкониятлари шунчалик кўпроқ бўлади.

Генеалогияда насл, оила ёки насл дарахти, яъни оилавий ришталарнинг схематик тасвири, шартли рамзий "дарахт" кўринишидаги шажара шаклида ифодаланади. Масалан, шажара дарахтининг илдизларида аجدодлар кўрсатилган бўлса, дарахт танасида эса авлоднинг ўзак вакиллари, новдаларда эса оила-қариндош гуруҳлари ҳамда барг шохлари эса уларнинг фарзандларини акс эттиради. Насаб ёки насл дарахти, шунингдек, кўтарилган ёки камайиб борувчи насл-насабларнинг ва умуман генеалогик жадвалларнинг тасвири деб аталади.

Француз ва инглиз генеалогиясида кўпроқ учрайдиган аралаш насл-насаб жадвали “думалоқ стол” шаклида бўлиб, унда доира марказида стол марказида аجدодлари ўрганилаётган шахс қўйилади ва доира иккига бўлиниб, бир тарафига ота авлод-аждодлари, иккинчи тарафига она авлод-аждодлари қўйилган. Бу насл-насабнинг шахсий ва камдан-кам қўлланиладиган версияси бўлиб, бунда қондошлик ота ва она иштирокида баравар ҳисобланган ҳамда йирик заминдорлар, мулк соҳиблари, юқори мавқедаги ижтимоий қатлам вакиллари билан шажаралари акс этган.

Туркий халқларда қариндошлик одатда тўғридан-тўғри эркак насли орқали "отадан ўғилга" ҳисобланган. Шу сабабли туркий халқларда насл-насаб таянчи катта ўғил ёки кенжа ўғил деб ҳисобланган ва отанинг мероси тўғридан-тўғри шу фарзандларга қолган. Бу меъёр она орқали мерос бўлмаган, яъни оналик наслининг аجدодлари ва авлодлари бевосита насл насаб ўзаги сифатида баҳоланмаган.

Тарихга бўлган қизиқиш самараси ўлароқ ўзбек халқи таркибидаги қадимий этник компонентлар бўлган қанғли, қипчоқ, қарлуқ, ўғуз ҳамда ўзига хос этнографик хусусиятларини бугунги кунда ҳам нисбатан яхши сақлаб келаётган кўнғирот, қатағон, манғит, дўрмон, юз, қирқ, минг, сарой каби ўзбек халқининг таркибий қисми бўлган этно-уруғ бирликларининг келиб чиқиши, тарихи, этномаданияти, фольклори хусусиятларига бағишланган махсус илмий тадқиқотлар ўтказилиб, қатор илмий, илмий-оммабоп монографиялар, мақолалар нашр этилди.

Халқ орасида кишиларнинг ўзи мансуб бўлган элнинг келиб чиқиши, аждодлари, ота-боболари ким эканлиги, қандай эзгу ишларни амалга оширганлиги, қандай инсон бўлганлиги, қандай синовларни бошдан ўтказганлиги ҳақида билиш иштиёқи доимо юқори бўлган. Шунингдек, яшаётган қишлоғи, тумани, вилояти, умуман, юрт тарихига дахлдорлик ҳисси, қадимий тарих билан ота-боболари тақдири нечоғлик боғлиқлигини билишга қизиқиши ўзликни англаш ва тарихий хотиранинг тикланиши қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЭТНИК ЎЗЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

И.М. Хўжахонов

**ЎзР ФА Миллий археология маркази
катта илмий ходими, т.ф.н.**

Ўзбекларнинг этногенези ва этник тарихи Марказий Осиёдаги бошқа халқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, этномаданий хусусиятлари нуқтаи назаридан ўзига хослик касб этади. Яъни, ўзбеклар таркибида ҳам қадимий ўтроқ қатлам, ҳам кўчманчи чорвадор аҳоли гуруҳларининг нисбати сезиларли. Шу боис, ўзбеклар туркий халқ ўлароқ минтақадаги анъанавий ўзлиги асосан кўчманчи чорвачилик анъаналарига асосланган бошқа туркий халқлардан ўзининг кўпроқ ўтроқликка хос этномаданий хусусияти билан ажралиб турса, минтақадаги тожиклардан эса тили ва этник таркиби жиҳатидан фарқ қилади.

Ҳозирги ўзбек миллати этномаданий ўзлигининг шаклланишида IX–XII асрларда ўзбек аждодлари орасида этник ва маданий жиҳатдан умумтуркийликка нисбатан ўзига хослик ҳам турмуш тарзи ва тил хусусиятларида, ҳам дунёқарашида яққол намоён бўла бошлаган давр муҳим ўрин тутди. Тарихий-этнографик адабиётларда бу асрлар ўзбекларнинг алоҳида халқ (элат) бўлиб шаклланиш даври сифатида кўрсатилади.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши билан боғлиқ тарихий-этнографик адабиётларда ҳозирги ўзбекларнинг этник ўзагини ташкил этувчи аждодлари орасида XI–XII асрлардаёқ алоҳида этник белгиларнинг (тил, ҳудуд бирлиги, этник руҳият, хўжалик-маданий хусусият) тўлиқ шаклланганлиги илмий асосли тарзда ёритиб берилган.

	mahsulotlarini tayyorlash bilan bog‘liq urf-odat va marosimlar	
Yeshimbetova Sh.	Qoraqalpoq xalq kashtachiligi	70-73
Jumaev M.	Mustaqillik yillarida buxorodagi bunyodkorlik ishlari	74-76
Султонов К	Амир Темурнинг бошқарув маҳорати ва маънавий салҳиятининг ижтимоий сиёсий таҳлили	77-80
Tajimuratov D.	Xorazm vohasi antik davri shaharlari tarixi	81-85
Хайдаров З.Б.	Фарғона водийси ва Тошкент воҳасининг палеолит даври маконларининг ўрганилиши	86-88
Шодмонов Х.Х.	“Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари” монографияси хусусида	89-91
Turarova M. A.	Mustaqillik yillarida ilk temir davri yodgorliklarining o'rganilishi va uning o'ziga xosliklari.	92-101
Ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи ва этнологияси масалалари		
Давлатова С.Т.	Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тадқиқотлар ва ўрганиш муаммолари	102-107
Убайдуллаева Б.М.	Ўзбекистонда этнология ва антропологиянинг фан сифатида шаклланишида профессор Турсун Усарович Салимовнинг ўрни	108-110
Бўриев О.	Марказий Осиё тарихига бир назар	111-115
Қаюмов А.Р.	Этнологияда геналогик тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти	116-119
Хўжахонов И.М.	Ўзбекларнинг этник ўзлиги билан боғлиқ айрим масалалар	120-124
Атаханов Ш.Т.	Краткий анализ межэтнических отношений и проблемы в решении конфликтных ситуации	125-127
Жуманазаров Х. С.	Узбекские традиции народной медицины: прошлое и настоящее	128-132